

## Бақара сураси, 42-оят

10:10 / 24.08.2017 4938

**Ва ҳақни ботилга аралаштирманг ва ўзингиз билиб туриб, ҳақни беркитманг. Бақара 42.**

Яҳудийлар ўзларининг узоқ тарихлари давомида доимо ҳақни ботилга аралаштириб келганлар. Шу билан бирга, улар доимо ҳақни беркитишга уринганлар. Бу хусусда ҳали кўпгина оятлар ўқиймиз. Улар бу ишлари ила фитна қўзиб, инсонлар ўртасида низо чиқариб юрадилар.

«Ва ҳақни ботилга аралаштирманг» жумласидан Ислонинг ҳақ экани ойдинлашади. Буни яҳудийлар ҳам билишади. Билиб туриб, унга яҳудийликни аралаштириб юборишади.

Шунингдек, «билиб туриб, ҳақни беркитманг» деганда Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари ҳақ эканини, Қуръони Карим ҳақ эканини билиб туриб, уни беркитишлари ҳам назарда тутилади.